

**УМУМТАЛЬИМ МАКТАБЛАРИДА ИНГЛИЗ ВА НЕМИС ТИЛЛАРИНИ
ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.**

Husenova Laylo Nazarbayevna

*O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti Amaliy
nemis tili kafedrasи o'qituvchisi*

Nazarboyeva Shaxina Baxtiyorovna

*O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti 2-kurs
nemis filologiyasi ta'lim yo'nalishi talabasi.*

Аннотация: Умумтаълим мактабда чет тилларини ўқитиши жараёнида ўқутувчилардан грамматика, сўз, талаффузни ўзлаштириши ва мулоқот қобилияtlарини ривожлантиришига ёрдам берадиган самарали усуллардан унумли фойдаланишини талаб этади. Инглиз ва немис тиллари мактаб дастуридан ўрин олган асосий хорижий тиллар ҳисобланади, аммо уларни ўқитишида турли усуллардан фойдаланилади. Уибу мақолада мазкур тилларни ўқитишининг асосий усуллари, хусусиятлари, афзалликлари ва камчиликлари қиёсий таҳлил этилади.

Калит сўзлар: инглиз тили, немис тили, усул, афзаллик, камчилик, ўқитиши, илгор, тушиунтириши

**COMPARATIVE ANALYSIS OF METHODS OF TEACHING
ENGLISH AND GERMAN IN SECONDARY SCHOOLS.**

Husenova Laylo Nasarbajewna

*Lehrerin der Abteilung für Angewandtes Deutsch
an der Usbekischen Staatlichen Universität für Weltsprachen*

Nazarbaeva Shakhina Bakhtiyorovna

*Studentin im 2. Studienjahr der Usbekischen
Staatlichen Universität für Weltsprachen*

Abstract: In general education schools, fourth graders study grammar, English, pronunciation and get to know the most developmentally capable students in order to increase the effectiveness of learning. English and German are the main foreign languages. This article is devoted to the analysis of ethanol prices based on usular, characteristics, content and ethanol content.

Words: English, German, method, advantage, disadvantage, teaching, advanced, explanation

Умумтаълим мактабларида хорижий тил сифатида асосан инглиз ва немис тиллари ўқитилиши ҳисобга олинса, бу тилларни ўқувчиларга ўргатиш усуллари (метод) ларига ҳам алоҳида тўхталиб ўиш мақсадга мувофиқ бўлади. Қиёсий таҳлил эса

юқорида қайд этилган хорижий тилларнинг қай бирини ўрганиш нисабати осон ҳамда замонавий усулларга маслашувчанлигини[1, -С. 54] аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Грамматика ва таржима усули. Ушбу усул ўтмишда инглиз ва немис тилларини ўқитишида фойдаланиб келинган асосий усуллардан биридир, аммо ҳозирда бу усулга камдан-кам ҳолатларда мурожаат қилинади.

Усул инглиз тилида мураккаб грамматик тузилмаларни тушунтириш, матнларни таржима қилиш ва ёзма машқларни бажариш жараёнида кўзга ташланади. Немис тилини ўқитишида мазкур методдан кўп фойдаланилади [2, -С. 11], чунки немис тили мураккаб грамматик хусусиятга эга бўлган(взяйтлар, сўз тузулиши, феъл конструкциялари в.х.) тиллардан биридир.

Афзалликлари:

- ✓ Грамматик аниқлик ва ёзиш қўнималарини яхши ривожлантиради;
- ✓ Мураккаб грамматик қоидаларни ўрганишда яхши самара беради;

Камчиликлари:

☒ Амалда сўзлашув қобилийтларини шакллантириш масаласи эътибордан четда қолади;

☒ Бугунги кун тил ўрганувчилари учун зерикарли бўлиши мумкин;

Бу усулдан инглиз тилидан қўра, немис тилини ўқитишида кўпроқ фойдаланилади, чунки немис тили грамматикаси инглиз тилига нисбатан юқори аниқликни талаб қиласди.

Коммуникатив усул. Оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантиришга, реал вазиятларда тилдан фойдаланишга қаратилган замонавий ёндашув ҳисобланади. Инглиз тилида ушбу усул фаол қўлланилади, чунки инглиз тилида асосан ўзаро мулоқатга эътибор қартилади. Немис тилини ўқитишида ҳам аста-секинлик билан татбиқ этилмоқда, аммо бу тилдаги қатъий грамматик қоидалар туфайли кўпроқ назоратни талаб қиласди[3, - С. 36].

Афзалликлари:

- ✓ Табиий контекстда гапириш, тинглаш, ўқиш, тушуниш ва ёзиш қўнималарини ривожлантиради;
- ✓ Тил ўрганиш қизиқарли бўлади ва мотивация оширилади;

Камчиликлари:

☒ Немис тили грамматикасига алоҳида эътибор берилмас экан, оқибатда бир қатор хатолар келиб чиқиши мумкин;

☒ Ўқитувчидан юқори малака талалаб этилади;

Коммуникатив усул айниқса, инглиз тилини ўқитиши самарали, аммо немис тилини ўқитишида грамматик машқлар билан етарлича комбинацияни мувоффиклаштиришга эриша олгандан сўнггина натижага эришиш мумкин бўлдади. Акс ҳолда кутилган натижага эришиш барбод бўлади.

Аудио-лингвистик усул. Бу усул ибораларни такрорлаш ва ёдлашга асосланган бўлиб, талаффузни ва тилни интуитив тушуниши ривожлантиришга ёрдам беради[4, -С. 65].

Инглиз тилида талаффуз ва нутқ конструкцияларини автоматлаштиришда кенг-кўламда фойдаланилади. Немис тили грамматикасининг мураккаблиги бу усулдан фойдаланишда қисман монейлик қиласди.

Афзаликлари:

- ✓ Талаффуз ва нутқни равонлаштиради;
- ✓ Зарурый қоидаларни батавфсил ўзлаштирмасдан туриб, тўғридан-тўғри ёд олишга имконият яратади;

Камчиликлари:

- ☒ Усул грамматик фикрлашни пасайтиради;
- ☒ Тил ўрганувчининг масала мазмуни, моҳиятини тушиниб етмасдан туриб, механик ёд олишига олиб келиши мумкин.

Усул инглиз тили учун фойдали бўлса-да, немис тили учун унинг самарадорлиги паст бўлади[5, -С. 49].

Лойиҳали ўқитиш усули. Ушбу усулда реал вазиятлар билан боғлик вазифаларни бажариш (иншолар ёзиш, мунозараларда қатнашиш, тақдимотлар яратиш) талаб этилади. Инглиз тилини ўқитишда мазкур усулдан тез-тез фойдаланилади, чунки инглиз тили халқаро мулоқот тили ҳисобанади[6, -С. 11]. Немис тилида камроқ фойдаланилади, сабаби немис тили тилни мукаммал билишга унайди.

Афзаликлари:

- ✓ Талабаларнинг мотивациясини оширади;
- ✓ Амалий вазиятларда тилдан унумли фойдаланишга имкон беради;

Камчиликлари:

- ☒ Бу кўп вақт ва тайёргарликни талаб қиласди;
- ☒ Фақат тилни билиш даражаси етарли бўлган талабалар учун самарали бўлади;

Усул инглиз тилини ўқитишда оммалашган, бироқ усулни илгор немис тили учун ҳам фойдали бўлишини унутмаслик даркор.

Инглиз ва немис тилларини ўқитиш усуллари тилнинг тузилишига ва ўқув мақсадларига қараб фарқланади. Инглиз тилида асосий ургу коммуникатив ва интерактив усулларга берилади. Уларда кўп ҳолларда лойиҳага асосланган усуллардан фойдаланилади[7, -С. 84]. Демак, бунда талаффуз ва тинглашга алоҳида эътибор беришни талаб қилинади.

Немис тилида грамматик-таржима ва таркибий ёндашувга кўпроқ эътибор қаратилади. Коммуникатив усуллар ҳам тадбиқ этилади, бироқ улардан қатъий грамматик қоидаларга амал қилинган ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Немис тилида талаффуз оддий, лекин, грамматикасининг мураккаблиги туфайли тушуниш қийин бўлади.

Мухтасар қилиб айтганда, умумтаълим мактабда инглиз тилини ўқитишиш кўпинча сұхбат амалиётига қаратилса, немис тилида эса мулоқот қобилияти ҳамда қатъий грамматик қоидалар мутаносиблиги алоҳида эътиборда бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Арипова М., Носирова Ш. Инглиз тилини ўқитиши замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш//Современное образование (Узбекистан). - 2014. №. 2. - 459 стр.
2. Бим Л. Книга для учителя к учебнику немецкого языка 2 кл. средней школы- М.: Просвещение, 1993.- 58 стр.
3. Воронина Г.И. Немецкий язык, контакты: Книга для учителя к учебнику немецкого языка для 10-11 классов общеобразовательных учреждений- М.: Просвещение, 2004.- 79 стр.
4. Колкер Я.М. Практическая методика обучения иностранному языку: Учеб.пособие (гриф)- М.: Академия, 2000..- 264 стр.
5. Любимова Н.В. ЕГЭ. Немецкий язык. Репетитор- М.: Эксмо, 2006.- 96 стр.
6. Убайдуллаев Х. НЕМИС ТИЛИДАГИ ИБОРАЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИ ХУСУСИДА //Solution of social problems in management and economy. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – 304 стр.
- 7.N Merganova, M Jaloldinova. (2023) CHET TILIDA OG ‘ZAKI NUTQNI RIVOJLANTIRISHGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR. Innovative Development in Educational Activities 2 (5), 225-230